

**Давлат статистика органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг
ҳисобот маълумотларини бирламчи статистик таҳлилини ўтказиш
ТАРТИБИ**

Ушбу Тартиб Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ давлат статистика ҳисоботлари (кейинги ўринларда ҳисоботлар деб аталади) бўйича хўжалик юритувчи субъектлар томонидан электрон кўринишда тақдим этиладиган ҳисоботлар маълумотларини бирламчи статистик таҳлилини ўтказиш механизмини белгилайди.

Тартиб хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоботларидаги хатоликлар ва номувофиқликларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича амалий тавсияларни ўз ичига олади ҳамда давлат статистика органлари томонидан ҳисоботларни қабул қилиш жараёнида, хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро ҳамкорликнинг бошқа ҳолатларида фойдаланиш учун мўлжалланган бўлиб, хўжалик юритувчи субъектлар учун мажбурий аҳамиятга эга эмас.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Умумэътироф этилган халқаро ташкилотлар тавсияларига (БМТ Европа Иқтисодий Комиссиясининг расмий статистиканинг асосий принциплари, Европа Иттифоқининг европа статистикаси нормалари Кодекси) мувофиқ, статистик кузатув сифатига асосий талаблардан бири статистик маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилигини таъминлашдан иборат.

Хўжалик юритувчи субъектлардан олинган давлат статистика маълумотларининг, оралик ҳисоб-китоблар ва тарқатиладиган йиғма маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилигини таъминлаш учун, уларнинг тўғрилиги ўрганилиши керак, яъни уларнинг бирламчи статистик таҳлилини амалга ошириш керак.

2. Статистик маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилигини таъминлаш мақсадида давлат статистика органлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

олинаётган давлат статистика маълумотларининг тўлиқлиги, ҳолислиги ва ишончлилигини экспертизадан ўтказиш;

давлат статистика маълумотларида қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш ҳақида кўрсатмалар бериш ҳамда жамланма давлат статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш.

3. Олинадиган давлат статистика маълумотларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ йиғиладиган, давлат статистика ишларини бажариш учун зарур бўлган маълумотлар кирази.

4. Давлат статистика маълумотлари қуйидаги йўллар орқали олинishi мумкин:
давлат статистика ҳисоботларини йиғиш;

танланма монографик ва бошқа кузатувлар, шу жумладан уй хўжаликлари
ва жисмоний шахслар кузатувларини ўтказиш;

рўйхатга олишлар, бир марталик ҳисоблар, сўровлар ўтказиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ўз фаолиятини амалга ошириш
жараёнида, асосан маъмурий мақсадларда, шакллантирилган идоравий маълумотлардан
фойдаланиш.

5. Давлат статистика ҳисоботи – бу белгиланган тартибда тасдиқланган ва хўжалик
юритувчи субъектлар томонидан ўзларининг бирламчи ҳисоб ва бухгалтерия
ҳужжатларини умумлаштириш асосида тўлдириладиган давлат статистика кузатуви
шакли бўлиб, у кўрсаткичларнинг номини, маълумотларни киритиш учун жой, ташкилот
реквизитларини ва ҳисоботни тўлдириш учун масъул мансабдор шахслар тўғрисидаги
маълумотларни ўз ичига олади.

6. Давлат статистика ҳисоботларини Давлат статистика қўмитаси томонидан
белгиланган рўйхатга кўра юридик шахслар, зарур ҳолларда (ҳудудлар ёки фаолият
турлари кесимида батафсил маълумотларни тайёрлашда) юридик шахсларнинг алоҳида
бўлинмалари тақдим этадилар.

7. Хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига, давлат статистика
органларига давлат статистика ҳисоботларини топширишдан бош тортганлик ёки тақдим
этмаслик, ёки уни тегишли шаклнинг манзил қисмида кўрсатилган муддатни ўтказган
ҳолда тақдим этганлик, шунингдек ишончсиз маълумотларни тақдим этиш, қўшиб ёзиш,
кўрсаткичларни атайлаб пасайтириб кўрсатиш, статистик ҳисоботнинг бошқа
бузилишлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик белгиланган.

8. Давлат статистика органлари давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш
тартибини бузган мансабдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий
жазо чораларини қўллаш ҳуқуқига эга.

9. Ҳисобот шакллари бўйича ҳисобот маълумотларини йиғиш тартиби Давлат
статистика қўмитасининг 2013 йил 26 июндаги 3-мб-сон қарори (рўйхат рақами 2479,
17.07.2013 йил) билан тасдиқланган Электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда
электрон шаклда давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги
ниҳомда белгилаб қўйилган.

2-боб. Ҳисобот маълумотларини бирламчи статистик таҳлил қилиш

10. Хўжалик юритувчи субъектлардан олинadиган ҳисобот маълумотларининг
бирламчи статистик таҳлилига қуйидагилар киради:

ҳисобот маълумотларининг тўлиқлигини экспертизадан ўтказиш;

ҳисобот маълумотларининг ҳолислиги ва ишончлилигини экспертизадан ўтказиш;

ҳисоботларга киритилган кўрсаткичларнинг барқарор тенденцияси ва ўзаро
боғлиқлигини ўрганиш.

11. Ҳисобот маълумотларининг тўлиқлигини экспертизадан ўтказиш – бу тегишли давлат статистика ҳисоботи шакли бўйича маълумотларни тақдим этишлари кўзда тутилган барча ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоботлари мавжуд бўлишини таъминлаш.

Ҳисобот маълумотларининг тўлиқлигини экспертизадан ўтказиш, давлат статистика органлари томонидан Давлат статистика қўмитасининг 2014 йил 29 декабрдаги 14-сон қарори билан тасдиқланган Давлат статистика ҳисоботларини йиғиш жараёнида ҳисобот тақдим этувчи субъектларнинг тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш бўйича ишларни ташкил этиш регламентига мувофиқ амалга оширилади.

12. Ҳисобот маълумотларини йиғиш электрон шаклда, Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган ҳисобот тақдим этувчи юридик шахслар, зарур ҳолларда уларнинг алоҳида бўлинмалари рўйхатига (кейинги ўринларда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мақсадли жамланмаси деб аталади) мувофиқ равишда ташкил этилади.

13. Ҳудудий статистика органлари, ҳўжалик юритувчи субъектни унга тегишли ҳисобот шакллари тақдим этиши белгилангани тўғрисида электрон хабар, телефон алоқаси ёки эслатма хат юбориш орқали қуйидаги муддатларда хабардор қилишлари шарт:

йиллик шакллар учун – 1 февралгача;

бошқа шакллар (ойлик, чораклик, бир марталик) учун – ҳўжалик юритувчи субъектдан ҳисобот йили учун биринчи ҳисобот олинишидан камида 15 кун аввал.

14. Ҳудудий статистика органларининг хабардор қилишларига қўшимча равишда, ҳўжалик юритувчи субъектлар учун улар топширишлари керак бўлган ҳисоботлар тўғрисидаги маълумотлар Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтида жойлаштирилади.

15. Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мақсадли жамланмасини ҳўжалик юритувчи субъектлардан олинган электрон ҳисоботлар билан таққослаш, Давлат статистика қўмитаси томонидан, давлат статистика ҳисоботи шаклининг манзил қисмида белгиланган тақдим этиш муддатидан кейинги иш кунида автоматик равишда амалга оширилади.

16. Ҳудудий статистика органлари:

ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мақсадли жамланмасига киритилган барча фаол ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат статистика ҳисоботларини тақдим этилиши бўйича барча зарур чора-тадбирларни амалга оширишлари;

бошқа ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда фаол бўлмаган ташкилотлар ҳолатини аниқлаштирилишини ва КТЯДР (Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри) базасига уларнинг фаолият юритмаётганлиги ёки тугатилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг киритилишини ташкил этишлари шарт.

17. Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаоллигининг таҳлили ва кодлаштириш бўйича хатоларни аниқлаш, асосий ҳисобот кўрсаткичларини – Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган давлат статистика ҳисоботлари шакллариининг нол қийматга тенг бўлмаган асосий сатр ва устунларини экспертизадан ўтказиш орқали амалга оширилади.

Субъектлар томонидан ҳисоботларнинг асосий ҳисобот кўрсаткичлари тўлдирилмай тақдим этилган ҳолларда, давлат статистика органларининг тегишли бўлинма ходимлари қисқа муддатларда кўрсаткичларнинг йўқлиги сабабларини (электрон, ёзма хабар юбориш ёки телефон орқали) аниқлайдилар, зарур ҳолларда, солиқ органларидан хўжалик юритувчи субъектнинг ҳолатига аниқлик киритадилар, тузатилган ҳисоботни тақдим этилиши бўйича чоралар кўрилади.

18. Ҳисобот маълумотларининг ҳолиселиги ва ишончилигини экспертизадан ўтказиш ҳисобот кўрсаткичларининг максимал тўғри тўлдирилишига эришиш, тасодифий ва атайлаб қилинган (онгли равишда) хатоларни бартараф қилиш орқали таъминланади.

Тасодифий хатолар – бу хўжалик юритувчи субъект томонидан шаклларни диққат-этиборсиз тўлдириш оқибатида содир этилган хатолар (рақам бошқа устунга ёзилган, жамланма кўрсаткичлар ёйиб кўрсатилмаган, ўлчов бирликлари шаклда белгиланганларига мос келмайди, таснифлаш кодлари нотўғри аниқланган, рақамли бўлмаган кўрсаткичлардаги хатоликлар ва бошқалар).

Атайлаб қилинган (онгли равишда) хатолар – хўжалик юритувчи субъект томонидан шаклда онгли равишда нотўғри маълумотлар кўрсатилган бўлса (тезкор ҳисобот кўрсаткичлари йиллик ҳисоботга нисбатан сезиларли даражада юқори кўрсатилган, молия-хўжалик фаолиятини текширишга ваколатли органлар томонидан бирламчи ҳисоб ва статистика ҳисоботи ўртасида номувофиқликлар аниқланган ва ш.к.).

19. Ҳисобот маълумотларининг ҳолиселиги ва ишончилигини экспертизадан ўтказиш жараёнида, кўрсаткичларни арифметик ва мантиқий назоратдан ўтказиш, маълумотларни кодлаштириш ва реквизитларни тўлдиришнинг тўғрилигини таҳлил қилиш, миқдорий кўрсаткичларни олдинги ҳисобот даврлари, мақсадли жамланманинг ўртача қийматлари, идоравий ҳисобларнинг мавжуд маълумотлари билан таққослашларни қўшган ҳолда, олинаётган ҳисоботни ҳар томонлама текшириш амалга оширилади.

20. Олинаётган маълумотларни экспертизадан ўтказишни самарали ташкил этиш мақсадида, статистика органининг тегишли бўлинмаси бошлиғи ҳар бир ходимга хўжалик юритувчи субъектларнинг мақсадли жамланмасидан хўжалик юритувчи субъектлар гуруҳини бириктиради.

21. Бириктирилган ходим хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахслари билан мунтазам ҳамкорлик қилади, зарур маслаҳатлар беради ва хўжалик юритувчи субъект томонидан тақдим этиладиган ҳисоботларда тасодифий ва атайлаб қилинган хатоликларни бартараф этиш учун профилактика хусусиятига эга чораларни кўради.

22. Бириктирилган ходим хўжалик юритувчи субъектдан статистика ҳисоботини олишда қуйидагиларга мажбур:

уни қайта ишлашда Электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга қатъий амал қилиш;

электрон ҳисоботни белгиланган муддатидан кечиктирмасдан қайта ишланишини таъминлаш;

статистика маълумотларида хатолар аниқланган ҳолларда хўжалик юритувчи субъектга, барча хатолар ва номувофиқликлар рўйхатини ва уларни тузатиш бўйича

батафсил тавсияларни, тўғриланган маълумотларни тақдим этиш муддатини кўрсатган ҳолда Кўрсатма юбориш;

тўғриланган ҳисоботни хўжалик юритувчи субъект томонидан тақдим этилишини таъминлаш.

23. Ҳисоботга киритилган кўрсаткичларнинг барқарор тенденциялари ва ўзаро боғлиқлигини ўрганиш бирламчи статистик таҳлилнинг муҳим қисми ҳисобланади ва ҳисоботлардан олинган ахборотларни тартибга солишни таъминлайди.

Ушбу босқичда, тўлиқлиги, ҳолислиги ва ишончлилиги текширилган ҳисобот маълумотлари, Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган мезонларга мувофиқ бирламчи статистик қайта ишлаш усуллари бўйича гуруҳланади ва йиғма жадвалларга киритилади.

Йиғма жадваллар асосида мақсадли жамланма кўрсаткичларининг хусусияти, уларнинг бир хиллиги – турли хиллиги, ихчамлиги – тарқоқлиги ва бошқа хусусиятлари ҳақида хулоса шакллантирилади.

24. Бирламчи статистик қайта ишлашнинг асосий усуллари – маълумотларнинг марказий тенденция ўлчовини ва тарқоқлик (ўзгарувчанлик) ўлчовини ҳисоблаш тааллуқлидир.

Бирламчи статистик қайта ишлаш, мақсадли жамланмани имкон борича жуда қисқа шаклда ифодалаш ва қуйидаги иккита асосий саволга жавоб бериш имконини беради:

мақсадли жамланмага киритилган хўжалик юритувчи субъектлар учун кўрсаткичларнинг қайси қийматлари кўпроқ хусусиятга эга;

ушбу хусусиятга эга қийматга нисбатан маълумотларнинг тарқоқлиги каттами.

25. Марказий тенденция ўлчовлари – булар, қолган маълумотлар улар атрофида гуруҳланувчи миқдорлардир ва қандайдир тарзда жами мақсадли жамланмани умумлаштирувчи ҳисобланади.

Марказий тенденция ўлчовлари қуйидагилардан иборат: ўртача қиймат, медиана, мода.

Одатда ўртача қиймат, марказий тенденцияни аниқлашда энг катта аниқликка интилиш учун қўлланилади.

Медиана мақсадли жамланмада ўртача қийматга кескин таъсир кўрсатадиган "ноодатий" маълумотлар мавжуд бўлганда ҳисобланади.

Мода юқори аниқликни талаб қилмайдиган, лекин марказий тенденциянинг ўлчовларини тезлик билан аниқлаш зарур бўлган ҳолатларда қўлланилади.

26. Тарқоқлик (ўзгарувчанлик) ўлчовлари – мақсадли жамланманинг алоҳида қийматлари орасидаги фарқларни белгиловчи статистик кўрсаткичлардир. Улар олинган маълумотларнинг бир хиллик даражаси, уларнинг ихчамлиги, билвосита эса улардан келиб чиқадиган хулосаларнинг ишончлилиги тўғрисида баҳо бериш имконини беради.

Энг кўп ишлатиладиган кўрсаткичлар – кенглик (кўрсаткичларнинг максимал ва минимал қийматлари ўртасидаги оралик), ўртача оғиш, дисперсия, стандарт оғиш.

3-боб. Ҳисобот маълумотларини бирламчи статистик таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш бўйича ишларни ташкил этиш

27. Ҳисобот маълумотларининг бирламчи статистик таҳлилини самарали амалга ошириш ҳудудий статистика органларининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ҳудудий статистика органларининг иш режаларида давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш жараёнида қонунбузарликларнинг профилактикаси бўйича ишлар мажбурий тартибда кўзда тутилиши шарт.

28. Ҳудудий статистика органлари томонидан доимий равишда қуйидаги турдаги профилактика ишлари амалга оширилиши лозим:

а) статистика ходимларининг малакасини мунтазам (2 йилда камида 1 марта) ошириш, Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати бошқармаларида, ҳудудий статистика бошқармаларида уларнинг стажировка ўташларини ташкил қилиш;

б) ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахслари учун давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартиби ва мазмунини, статистик таснифлагичлардан фойдаланишни, Интернет тармоғи орқали давлат статистика органлари билан электрон ҳамкорлик механизмларини тушунтириш бўйича семинарлар ва тренинглар ташкил этиш;

в) янги ташкил этилган ҳўжалик юритувчи субъектлар учун тушунтириш ишларини ташкил этиш, давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш, ҳисобот маълумотларини тўлдириш, ахборотларни кодлаш бўйича дастурий маҳсулотларни ўзлаштиришда кўмаклашиш;

г) ҳўжалик юритувчи субъектларнинг аввалги даврлар учун ҳисоботларини тизимли таҳлил қилиш, кейинги ҳисобот даври бошланишидан олдин кўп хатоликларга йўл қўйган мансабдор шахслар учун маслаҳатлар ўтказиш;

д) фаолият кўрсатмаётган ва фаол бўлмаган ҳўжалик юритувчи субъектларни аниқлаш, шунингдек статистик ҳисоботлар маълумотларини солиқ ва молиявий ҳисобот кўрсаткичлари билан таққослаш мақсадида жойлардаги солиқ ва рўйхатдан ўтказувчи органлар билан доимий ҳамкорлик қилиш;

е) ҳудудий статистика органларининг расмий сайтларида ва оммавий ахборот воситаларида статистик ҳисоботларни тақдим этиш бўйича видео-қўлланмаларни ва бошқа ахборот материалларини жойлаштириш.

29. Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати бошқармалари ва ҳудудий статистика органлари бошлиқлари ҳисоботлар маълумотларини бирламчи статистик таҳлил қилишни таъминлаш бўйича ишларнинг самарали ташкил этилиши учун шахсан жавоб берадилар.

30. Статистика органининг бириктирилган ходимини давлат статистика ҳисоботларини йиғиш бўйича фаолияти, агар унга бириктирилган гуруҳдаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг 100 фоизи тегишли давр учун электрон ҳисоботларни белгиланган муддатда топширишган ва улардан камида 80 фоизи тақдим этилган ҳисоботларда хатолар ва номувофиқликларга йўл қўймаган бўлса, самарали ҳисобланади.